



# Маҳалла

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Чоршанба

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Соғувда эркин парҳа

- 2. Бўрсилликда тўй бўлди.
  - Мутахассислар холис бўлма...
- 3. Кутубхонага нега келмайсиз, одамлар?
  - Оқсоқолга қирқ хунар ҳам оз!
- 4. Учга бўлинган гугурт чўпи нимани билдиради?
  - Султон Маҳмуд ва Саййида подшоҳ.

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ КАРИМОВ 19-20 январь кунлари расмий ташриф билан Кувайт давлатида бўлди.



## Йўлида

саламат алоҳида эътибор қаратилади. Бу йил минтақادا вазишти барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳуқуқмаллари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаёт алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Бу лойиҳалар сув ва энергия таъминоти, ирригация, қурилуш соҳаларига йўналтирилган. Мазкур жамғарма шу вақтдача Ўзбекистондаги икки лойиҳада жами 38,8 миллион АҚШ долларига тенг маблағ билан қатнашган эди. Янги келишув ташрифнинг самарали кенгашига яна бир далилди.

Дастлабки тўрт битим давлат ва ҳуқуқмаллар даражасидаги савдо-иқтисодий алоқларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантиришга кенг йўл очди. Террорчилик, контрабанда ва уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги ҳамкорлик ўзаро ишончини мустахкамлашга хизмат қилади.

Ўшбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислоҳ Каримов жамғарма Бош директори Бадир Мишарий ал-Хумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасида фикр алмашди.

Ташриф асносида Президентимиз ўшбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Салд Али ан-Нохиз билан ҳам учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бе...

**Анвар БОБОВЕВ,**  
**ЎЗА маҳсув мухбири.**  
**Тошкент - Ал-Кувайт - Тошкент.**  
*Суратда: Президент И.КАРИМОВнинг Кувайт Давлати Амири Шайх Жобир ал-Аҳмад-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашув пайти.*  
**А.ТўРАЕВ олган сурат**

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига анча бўлган. Лекин Ўзбекистон ва Кувайт амалий ҳамкорлик имкониятларидан тўлиқ фойдаланмай келди. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида, халқаро сиёсий жараёнларга баҳо бериш ва ёнлашуларда томонларнинг қарашлари уйғун. Аммо, Президентимиз ташбири билан айтганда, иқтисодий соҳада шу чоққада имкониятлар тўла ишга солилмади. Шу боис икки мамлакат салобатини ўзаро муносабатлар ривож томон йўналтириш. амалий ҳамкорлик учун қўлай шароит яратиш ташрифидан кўзланган асосий мақсад сифатида эътироф этилди.

Ал-Кувайтда Президент Ислоҳ Каримов Кувайт давлати Амири шайх Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан учрашди. Музокарада икки томонлама алоқаларнинг истиқболӣ муҳокама этилди. Мазкур ташриф Ўзбекистон ва Кувайтда ҳамкорликни юқори поғоналарга кўтариш учун катта иштиёқ ва интилиш мавжуд эканлигини тасдиқлашга таянган.

Мамлакатимиз раҳбари Кувайт Бош вазири шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ билан аввал якшанба-якка, сўнг расмий делегациялар иштирокисини йўлга қўйишдан ҳам икки томон бирла манфаатдор.

Трансафгон йўли қурилиши мавжуд эканлигини тасдиқлашга таянган.

Бу йўл минтақادا вазишти барқарорлаштириш баробарида, кўпгина давлатларни, жумладан, Ўзбекистон ва Кувайтни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Кувайт давлати ҳуқуқмаллари ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий техникавий соҳаларда ҳамкорлик, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиқ тўлашдан қочиш, ҳаёт алоқаси борасидаги, шунингдек, террорчилик, наркотик воситалар контрабандаси ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид битимлар ҳамда Ўзбекистон ҳукумати билан Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Ўшбу жамғарма Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молиявий тузилмалар билан яқин алоқа ўрнатган. Унинг Ўзбекистонга эътибори кучайгани мамлакатимизга хориж сармояси жалб қилишнинг имкониятларини янада оширади. Президент Ислоҳ Каримов жамғарма Бош директори Бадир Мишарий ал-Хумайзий билан учрашиб, шу масалалар юзасида фикр алмашди.

Ташриф асносида Президентимиз ўшбу мамлакатнинг Миллий мажлиси раиси Жосим ал-Харрофий, Савдо ва саноат палаталари кенгаши раиси Салд Али ан-Нохиз билан ҳам учрашди. Мамлакатимиз раҳбари Кувайтнинг Ҳарбий асирлар ва бе...

### Ахборот КОНРАД АДЕНАУЭР ҲАМКОРИМИЗ

Конрад Аденауэр халқаро жамғармасининг дунё бўйлаб олиб бораётган фаолияти деярли барча мамлакатларда халқ фаровонлигига қаратилган самарали фаолият сифатида тан олинган. Унинг минтақавий ваколатхонаси пойтахтимизда жойлашган бўлиб, юртимиз мустақиллигига эришилгандан буён мамлакатимизда деярли барча давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Жамғарма фаолиятининг асосий мақсади - ҳақиқий демократияни шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, яъни инсонларни фуқаролик масъулиятини ҳис қилиш ва ўз ҳаётӣ шароитларини яхшилаш жараёнида фаол қатнашишга кўмак бериш бўлиб, бу айтиш пайтида мустақил юртимизда олиб борилаётган ислохотларга билан, ҳусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги вазифаларимизга ҳамохандир.

Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси ва Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлиги бир неча йиллардан буён давом этиб келмоқда. Ўшбу йилдан эътиборан эса ҳар икки жамғарма ўзаро ҳамкорликни расман йўлга қўйишга келишиб олишди. «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси А.Гадоилов ва Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё давлатлари ва Қозғистон бўйича минтақавий мухтор вакили Томас Кунцелар шу ҳақдаги ҳужжатни имзоладилар. Шартномаларни имзолаш маросими олдидан эса Конрад Аденауэр жамғармасининг ҳамкорлигидаги «Ўзини ўзи бошқариш менежменти ва фермер ҳўжаликлари фаолиятини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари менежменти», «Қишлоқ ҳўжалик бирлашмаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш» туркум семинарларининг тақдими бўлиб ўтди. Унда семинарлар раҳбарлари Муқимжон Қирғизбоев, Улугбек Мўхаммаджоновларнинг бу ҳақдаги маърузаси тингланди.

Шунингдек, Конрад Аденауэр жамғармаси Ўзбекистон деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси билан ҳам ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш борасида шартнома имзолади.

«Mahalla» мухбири

### ХОТИРЖАМЛИК ТАЯНЧИ



Мамлакатимиздаги деярли кўпчилик маҳаллалар фаолари бугун халқ оёғида йўлда хизмат қилувчи маҳалла милиция таянч пунктлари нозирлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Наврўз маҳалласи милиция таянч пунктида нозирлар фаолияти учун деярли барча шароитлар муҳайё қилинган. Шу боисдан бу таянч пункти инспекторлари ўз соҳаларида ўтказилган танловларда голиблардан бири бўлиб келишмоқда.

**Суратда:** маҳалла таянч пункти катта нозир, милиция капитани Дамин Саноев маҳалла болалари билан. **Р.ГАЛИЕВ олган сурат.**

### Жамоатчилик фикри

## САЙЛОВНИ ҚАНДАЙ АНГЛАДИК?

Бу тадқиқотларнинг натижаси нималарни кўрсатди? Фуқароларнинг жавобларидан маълум бўлдики, маҳалла бугунги кунга келиб улар ҳаётида ўта муҳим рол ўйнавчи органга айланган. Ундан ташқари, кейинги йилларда маҳалла ҳар бир инсон ва унинг оиласи ҳаётига чуқурроқ кириб бораётганини ҳақда жамоатчилик фикри шаклланиб урганган. Агар 1998 йилда «Сиз ва оилангизнинг ҳаётида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қандай рол ўйнайди?» деган саволга сўралганларнинг 52,4 фоизи «катта ва ўртача рол ўйнайди» деб жавоб берган бўлсалар, 2003 йилдаги сўровда бундай жавобни сўралганларнинг 64,3 фоизи айтишди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг фикрига кўра, маҳалла фақат шаклланган аъёнаниларни вақти-вақтида амалга оширувчи орган бўлиб қолмасдан, ўз фаолияти қирраларини мудом кенгайтириб бориши зарур.

Сўровлар натижасида маълум бўлдики, сайловлар ҳақда аҳоли етарли даражада маълумотта эга бўлган.

Сўров 2003 йил 12 ноябрдан 27 ноябргача бўлган муддатда маъжуд 12 вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида ўтказилди.

Сўралганларнинг кўпчилиги (64,8 фоизи) бу сайловда қатнашишни ўзи учун жуда муҳим деб ҳисоблайди. «Сиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловларида шахсан қатнашасизми?» деган саволга сўралганларнинг 67,7 фоизи албатта, қатнашман деб, жавоб бердилар. Бундай жавоб беришчилар сайловлар жараёнида янада кўпайган. Сўров мобайнида номзодларнинг қандай бўлиши лозимлиги ҳам анча ойдинлашди.

Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари), уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази сайлов даврида аҳоли ўртасида сўров ўтказди.

Сўралганларнинг ҳар иккитадан биттаси маҳалла оқсоқолига номзод шахс маҳалла ахлининг маиший ва кундалик муаммоларига бефарқ бўлмаган инсон бўлишини хоҳлайдилар. Сўралганларнинг ҳар учтадан биттаси учун эса маҳалла оқсоқоли пок, виждонли, бир сўзли, етарли даражада маълумотли, ҳаётӣ тажрибага эга, ўз оиласининг ибратли томонлари билан намуна кўрсатоларга алоҳида урғу бердилар. Бу маълумотлар 2004 йилнинг мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши билан ҳамохандир.

«Сизнинг маҳаллангизда моддий бақувват кишилар томонидан ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш аlysанас борми?» деган саволга фақатгина 17,5 фоиз «ха» деган жавоб олинди. Қўрилиб турибдики, бу соҳада ҳали анчагина фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Сўралганлардан кўпчилигининг фикрига кўра, Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақил фаолият юритувчи орган сифатида тан олинди. Шундай қилиб, бўлиб ўтган сайловлар борасидаги жамоатчилик фикрининг ҳулосасига кўра ишонч билан айтиш мумкинки, сайловлар фуқаролар фаолиятини оширишда муҳим рол ўйнаган.

Обуна-2004

«Яна нима дейди?»  
«Маҳалла»га обуна бўлишга ҳеч қачон кеч эмас, дейди!»

### БОКСЧИЛАРИМИЗ ЁРУФ ЮЗ БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Газетамиз саҳифаланаётган дамларда мамлакатимиз боксчлари Филиппин давлатида ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатидан 2 та олтин, 2 та кумуш, ва 3 та бронза медаллари билан қайтиб келишди. Мамлакатимиз умумжамоа ҳисобида 2-ўрин соҳиби бўлган бўлса, 5 нафар спортчимиз Афинада бўладиган Олимпиада ўйинларига йўлангани нақд қилиб қайтилар.

Суратларда: спортчиларимизни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

**Mahalla**

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган. **Нашр кўрсаткичи:148**

**Хомий:**  
«Матбуот тарқатуви» ҳиссадорлик жамияти

**Тахририят манзили:**  
Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

**Телефонлар:**  
Қабулхона — 136-53-93.  
Тел/Факс: — 133-44-25.  
Масъул котиб: 136-53-75  
Хатлар бўлими: 136-57-62.

**Муассислар:**  
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.





Калбқуридан...

ОШКОҶА ШЕРМАЛАР

Эка хуб ширин забонидан сенинг... Дилка кут тарзи баёнидан сенинг... «Ким мени йўқотди?» - деб ўйлангилар...

Хотира үёвонса гўзалдир!

8. МАҲБУС ТИЛИ — ГУГУРТ ЧҲПИ

Қамоқхона ҳовлисида маҳбусларни сайр қилдирадиган темир давозали бетон майдонча бор. Хар куни бир маҳал махсус нозир маҳбусларни олиб чиқиб, қондага кўра 20 дақиқа сайр қилдиради...

ОЗОД ҚАЛБ

ЁЗУВЧИ ШУХРАТНИНГ ҲИБСДАГИ ҲАЁТИДАН
Сухбат шу жойга етганда Шухрат аканинг лаблари пир-пир учи, кўзларидан ғилтиллаб ёш қуюла бошлади...

9. МУҲОЖИР ГРЕК ВА ОҚ ОТ ОРЗУСИ

Шундай қилиб, Шухратни турк шеригидан маҳрум қилишди. Унинг қисматида Ўзбекистондаги турк қавминининг фожеаси бор эди...

қилган. Дунё кўрган, лекин афсус, кўрганларини менга батафсил гапириб беролмайдими. Мен уйдан жўнатма олсам, албатта, унга ҳам улуш бериб турардим...

соғдил грек Ватанга қайтиш истанигининг жиноят саналаётганидан хайрон ва хуноб эди. Ахир, мен совет граждани бўлмасам, ахир, барибир ўз юртимга кетишим керак-ку!

фари эса СССРга келган. Бу муҳожирларни Ўзбекистонга қайтарган. Энди Ватанга қайтолмай сарсон! — Потига келиб, бандаргоҳда (портда) йиртиқ кийимли бир боланинг консерва қутиларини тозалаётганини кўриб қайрон қолган эдик...

Дөғдиларку...


РИВОЯТЛАР ВА ҲИКОЯТЛАР САБОФИ

МАСТ ЛАШКАРБОШИННИНГ ЖАЗОСИ
Накл қиладиларки, Султон Маҳмуд ҳар кеча янги лашкарбоши Али Нуштагин билан шароб ичарди. Улар нихоятда кўп ичишганидан мастликлари эрталабгача ҳам тарқалмасди...

ЧОРИФИНГНИ УНУТМА!
Ривоят қиладиларки, Султон Маҳмуд Фазнавийнинг Аёз деган бош вазири бўлар экан. Аёз аслида кул бўлиб, подшога ғулумлик қилган ва хуш муомаласи, ақл-заковати учун бош вазир даражасига ўсиб етган эди...

ЯНГИСИДАН БОР

- Ойи, анави кишини сочи йўқ экан.
— Секинроқ гапир, эшитиб қолади.
— Ие, ойи ўзи билмайди...



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

Алишер Раҳимов оддий кулол эмас, балки у ижодкор уста. Шунинг учун у ясаган ҳар бир буюм ҳақиқий санъат асарига айланади...

Эълонлар!
Тошкент шаҳар Со бир Раҳимов туманида жойлашган Фуркат номи 196-ўрта мактаб томонидан Мўминов Улугбек Нуриддинович номига 1993 йилда берилган 309012 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади...



МУҲАЖЖИМАР ТАББИРИ

- КҲЙ (21.03-21.04)
Сизга шу кунларда олаётган кунлик ишлар билан машғул бўлиш тавсия этилади. Жисмоний қувватни яхши спортга ёки сайрусга бағишланг.
СИГРИЛ (22.04-20.05)
Келаси чоршанбагача эдилгани вазирига кўп дуч келасиз. Лекин ҳеч ким билан курашга чоланманг...

Mahalla logo and contact information for the newspaper.

Тахрир хайъати: Аъзам ГАДОЙБОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам КОСИМОВ...

Саҳифаловчи: Фаррух РАСУЛОВ
Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ва "Маҳалла" жамоғармаси туман бўлини масиз узоқ йиллар Шарқ йолдуси маҳалласининг фидойи оқсоқоли бўлган Ошша УМАРҲУЖАЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳуманинг ойда аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.